



## ООО "XB FINANCE KONSULTING"

### АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

«Газавтоматика» АЖ нинг

2017 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا  
ижобий фикр билдирилган

## АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Газавтоматика»  
таъсисчилари ва раҳбариятига

**Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:**

**ООО «XB FINANCE KONSULTING»**

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур кучаси 15.  
Телефон: 95-144-74-55, Факс: +998 71 233 02 10. Юридик шахсни давлат рўйхатидан  
ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
томонидан 11.05.2005 йилда № 321 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 15.05.2008 йилда берилган  
«Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшириуви»ни ўтказиш  
бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи -серия АФ №  
000676 Лицензияга эга.

Хисоб рақами: 20 208 000 704 408 712 ТПРФ «УзПСБ» Тошкент шаҳар филиали, МФО  
00424, СТИР 205666530, ХХТУТ 84400. email: XB.Finance-konsultin@mail.ru.  
Аудиторлик ташкилоти директори: Эгамбердиев Зоҳиджон Зокирович, Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 21 декабр куни берилган №  
05171-сонли «Аудитор малака сертификати»

**Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот:**

**«Газавтоматика» АЖ**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Заргарлик кучаси,  
10-а уй . Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Учтепа  
тумани хокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси  
томонидан 2006 йил 15 июнда 001081-12 сонли гувоҳнома берилган. Статистика  
хос рақамлари: СОАТО-1726262, КФС-144. КОПФ -1150.

Хисоб рақами: «Узсаноатқурилиш банк», Чилонзор филиалида  
20210000400118832001 асосий хисоб рақамига эга. МФО 00427. ИНН 200902952

Бош директор: Исмаилов Ботир Усманиевич 01.04.2005 йилдан бузунги кунгача  
ишлаб келган

- Ишлаб чиқариш техникавий вазифадаги маҳсулотлар, ҳалқ истеъмолчи моллари  
ишлаб чиқариш ва сотиш, қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш ва таъмирлаш-қурилиш  
ишларини ривожлантириш.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «XB FINANSE KONSULTING» аудиторлик ташкилотининг аудитори Эгамбердиев Зоҳиджон Зокирович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 21.12.2013 йилда берилган № 05171 сонли «Аудитор малака сертификати», аудиторлик ташкилоти билан «Газавтоматика» АЖ ўртасида 16.02.2018 йилда тузилган 01/04-сонли шартномага асосан «Газавтоматика» АЖ нинг 01.01.2017 йилдан 31.12.2017 йилгача бўлган даври учун тузилган ва раҳбарият томонидан 13.02.2018 йилда тасдиқланган «Корхона баланси» – форма № 1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» – форма № 2 шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Газавтоматика» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Газавтоматика» АЖ нинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «XB FINANSE KONSULTING»

Аудиторлик ташкилоти директори:

**3.3. Эгамбердиев.**

Хулоса тузилган сана:

«10» апрел 2018 йил

